

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Лойиха бошқарув Миллий агентлиги қошидаги  
Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби  
Лойиха бошқарув мутахассислиги  
магистранти Ходжаева Н.У.**

## **ЯПОНИЯ КОРХОНАЛАРИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИ**

**Аннотация.** Инсон ресурсларини режалаштириш, тўғри жойлаштириш бизнес шароитлар ўзгариб бориши туфайли яқин келажакда муҳим аҳамият касб этади. Япон бошқарув услубининг, айниқса инсон ресурсларини режалаштириш борасидаги ўзига хос хусусиятлари, ҳаёт давомида бандлик тизими, иш стажига асосланган тизим ва корхонага асосланган касаба уюшмасидир. Саноат рақобатбардошлигини ошириш мақсадида инсон ресурсларини режалаштириш бўйича япон амалиёти танқисликка мослаш, ортиқликка мослаш, малака ошириш ва ишдан қўтариш тизимини ўз ичига олади. Ушбу усулларнинг барчаси япон корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишга имкон яратишга ёрдам беради. Ўзбекистон иқтисодиётида айrim жиҳатларини қўллаш бугунги кунда ижобий самаралар беради.

**Аннотация.** Планирование человеческих ресурсов будет играть важную роль в ближайшем будущем в связи с изменением условий ведения бизнеса. Отличительными чертами японского стиля управления, особенно с точки зрения планирования человеческих ресурсов, являются система непрерывной занятости, система, основанная на опыте работы, и основанный на предприятиях профсоюз. Японская практика планирования человеческих ресурсов в целях повышения конкурентоспособности промышленности включает в себя систему адаптации к нехватке, адаптации к избыточности, обучения и переподготовки. Все эти методы помогают повысить конкурентоспособность японских предприятий. Применение некоторых аспектов в национальной экономику сегодня даст положительные результаты.

**Annotation.** Human resources planning will play an important role in the near future due to changing business conditions. The distinctive features of the Japanese management style, especially in terms of human resource planning, are the continuous employment system, a system based on work experience, and a company-based union. The Japanese practice of human resource planning in order to increase the

competitiveness of industry includes a system for adapting to scarcity, adapting to redundancy, training and retraining. All these methods help to increase the competitiveness of Japanese enterprises. The application of certain aspects in the national economy today will yield positive results.

**Калим сўзлар:** корхона, бошқарув, усуллар, самарадорлик, рақобатбардошлиқ, инсон ресурслари, режалаштириш.

**Ключевые слова:** предприятие, управление, методы, эффективность, конкурентоспособность, человеческие ресурсы, планирование.

**Key words:** enterprise, management, methods, efficiency, competitiveness, human resources, planning.

Сўнгги пайтларда кўп корхоналар самарали кўрсаткичларга эришган ҳолда рақобатбардошлигини ошириш учун ўзгартиришлар киритмоқдалар. Корхоналар томонидан бизнес муҳитидаги ўзгаришларни олдиндан кўра олиш учун инсон ресурсларига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги динамик мувозанатни аниқлаш мақсадида инсон ресурсларини режалаштиришни амалга оширилиши керак.

Аввало, ушбу ҳужжатда япон бошқарув услубининг хусусиятлари, хусусан инсон ресурсларини режалаштиришга оид маълумотлар кўриб чиқилади. Сўнгра Японияда инсон ресурсларини режалаштириш амалиёти чуқур муҳокама қилинади. Ва ниҳоят, саноат рақобатбардошлигини оширишда инсон ресурсларини режалаштириш амалиётининг ролига баҳо берилади.

## 1. Кириш

### 1.1. Келиб чиқиши

Индонезияда агросаноат ривожланишига чет элда тобора қўлами кенгаяётган ва фаолияти ривожланаётган Осиё фирмалари сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Шаклланаётган бозорлардан иборат компанияларнинг халқаролаштиришдан иборат бўлган асосий Осиё бизнеси таъсир қиласи. (Peng et al, 2010). Хозирги кунда айниқса корхонанинг мувафақияти унинг ишчи кучининг сифатига боғлик.

Инсон ресурсларини ташкил этувчи ходимлар таркиби уларнинг меҳнат фаолияти бошланишидан пенсия ёшига қадар режалаштирилиши керак. Яқин келажакда ортиқча ишчилар ва иш жойларининг етишмаслигини олдини олиш мақсадида инсон ресурсларини режалаштирилиши амалга оширилиши керак. Рахбарлар учта ташкилий ресурслар билан ишлайдилар: жисмоний, молиявий ва кадрлар ресурси билан. Учтасидан энг муҳими кадрлар ресурсидир, сабаби у стратегик ўринни эгаллайди. Карнеги жамғармаси муваффақият омилларининг

85% шахсий фазилатларга боғлиқлиги ва атиги 15% техник билимларга боғлиқлигини таъкидлайди.

### **1.2. Эрта тадқиқотлар**

Хван ва Коган (2003) таъкидлаганлариdek, инсон ресурсларини режалаштириш хар доим профессионал корхоналар учун унинг тузилиши, ишга олиш ва ёллаш харажатлари, иш хажми ва ҳоказоларни аниқ кўриб чиққан ҳолда энг муҳим масала бўлиб келган. Бундан ташқари Пурвади ва бошқалар (1999) япон бошқарув услуби кадрлар ресурсини режалаштириш учун яхши шароит яратишини тушунтирудилар.

Бир умрлик бандлик тизими иш берувчилар ва ишчилар ўртасидаги яхши муносабатларни таъминлайди. Ортиқча ишчиларни қўйулравишида қисқартиришга Японияда йўл қўйилмайди. Компаниялар ва уларнинг ходимлари биргаликда ишлашади, ходимлар битта компанияда бутун умр давомида фаолият олиб борадилар. Улар компания учун бор салоҳиятларини, кучларини сарфлайдилар.

Компаниялар тажрибасиз ёшларни ишга олиб, уларни ўқитиб иш ўргатадилар. Корхоналар бандликни тартибга солишининг турли механизмларини ишга солиб ишчиларни ишдан бўшатилишини олдини максимал даражада олишга харакат қилишлари керак. Geelhaar et al (2003) кўпгина янги мавзулар, жамоанинг фанлараро иши ва талимдаги тезкор муваффақиятга эришишга чорлаш малакани ошириш учун муаммо эканлигини тушунтируди. Нагарадж ва Камаланабхан (2005) фирма томонидан олиб бориладиган бизнес стратегияси хамда унинг инсон ресурслари соҳасидаги сиёсати ва амалиёти орасида боғлиқлик бор деган хуносага келдилар.

### **1.3. Мақсад**

Ушбу хужжатнинг мақсади қуйидагилардан иборат 1) япон бошқарув услугининг, айниқса инсон ресурсларини режалаштириш борасидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; 2) Японияда инсон ресурсларини режалаштириш амалиётини чуқур муҳокама қилиш; 3) саноат рақобатбардошлигини оширишда инсон ресурсларини режалаштириш амалиётининг ролини баҳолаш.

## **2. Услуб**

Тизимли ёндашув турли қуи тизимларнинг манфаатларини хавф остига қўйиш учун жуда муҳим бўлган услубий тадқиқотдир. Инсон ресурсларини режалаштириш қуи тизимларнинг баъзи қизиқишилари билан боғлиқ, масалан, ходимларни ишга ёллаш тизими, касбий таёрлов ва лавозимни ошириш тизими, пенсияга чиқиши тизими ва хоказо. Шунингдек ходимлар, менежерлар, иш

берувчилар каби турли хил манфаатларга эга бўлган баъзи субъектлар мавжуд бўлиб улар қаторига ҳукумат хам кириши мумкин.

Тизимни лойихалашдан сўнг тизимга таъсир қилувчи ташқи омилларни таҳлил қилиш керак. Ушбу ҳужжатда батафсил тавсифий сифатли таҳлилни ўтказиш учун иккиласми маълумотлар ва олдинги тадқиқотлар натижаларидан фойдаланилади.

### **3. Япон бошқарув услубида инсон ресурсларини режалаштириш.**

Япон бошқарув услуби камида З хусусиятдан иборат: умрбод иш билан бандлик тизими, меҳнат стажи ва корхона касаба уюшмаси тизими. Уларнинг аксарияти инсон ресурслари муаммолари билан шуғулланади, айниқса инсон ресурсларини режалаштириш соҳасида. Инсон ресурсларини режалаштиришни ишлаб чиқиши еҳтиёжларни таҳлил қилишдан бошланади. Яқин келажакда қандай ишчиларга эҳтиёж сезилади? Корхонанинг самарадордлиги ва иш натижаларини ошириш учун ходимларни ишга олиш стратегиясини аниқлаш зарур. Самарасиз инсон ресурсларини қисқартириш мақсадида касбий таергарликни исталган киши-соат ва потенциал киши-соат билан режалаштириш керак, бу айниқса яқиндаги саноатнинг қаттиқ рақобатбардошлигига жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Пенсияга чиқиши ходимнинг кўтаринки кайфиятда берилиб ишлаши учун режалаштирилиши керак, сабаби корхона келажакда ходимлар ушбу корхонани тарк этганларидан кейин уларга барқарор ва хавфсиз шароит яратиб беради.

Инсон ресурсларини режалаштириш технологик тенденцияга мос келиши керак. Хозирча назорат ишларини тафтиш қилиш доираси янада кенгаяди.

Янги воситалардан фойдаланиб назоратчилар ўз вазифаларини тез ва осон бажара оладилар. Ҳозирги кунда япон корхоналари хавфли, ифлос, ва оғир ишларга ишчиларни ёллашда қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Япон терминологиясида улар ЗК деб аталади ва бу Кикен (хавфли), Китанай (ифлос), Кицуи (оғир) деган маънени англаатади. Роботлар бу муаммонинг муқобилечимларидан биридир. Роботларга нисбатан бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Роботлар З К иш жойларида инсон ресурсларини ўрнини босадилар.

Шундай қилиб инсон ресурсларини режалаштириш тенденцияси ишлаб чиқариш тизимида роботлардан фойдаланиш имконияти билан муросага келиши керак. Инсон ресурслари тизимига таъсир кўрсатувчи кўплаб ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда яқин келажакда инсон ресурсларини режалаштириш янада муҳим ахамиятга эга бўлади. Инсон ресурсларини режалаштириш доираси кенгаяди. Бу инсон ресурсларини режалаштириш ҳажми нафақат турғун балки динамик равишда ўсиб бораётганини англаатади.

Японияда жуда қисқа вақт ичида инсон ресурсларининг ҳаддан ташқари ошиб кетиши ресурсларнинг ҳаддан ташқари етишмаслик ҳолатидан ҳаддан зиёд ортиб кетиши ҳолатига ўтди. Келажакда ишга жойлашиш муаммоси ортиб боради, сабаби ишсизлар сони купайиб боради.

Япония корхоналарида кадрлар алмашинуви кўрсаткичлари жуда паст, сабаби ходимлар ўз корхоналарида ишга кирган кунларидан бошлаб нафақа пенсия ёшигача ишлайдилар. Бу Японияда иш билан бандликнинг асосий хусусиятларидан биридир. Япония корхоналари тажрибали номзодлардан янги ходимларни ишга олмайдилар, улар асосан еш ва тажрибасиз номзодларни оладилар. Улар ёш бўлгани учун уларни яхши ходимга айлантиришга имкон бор.

#### **4. Натижалар ва муҳокама**

##### **4.1. Инсон ресурсларини танқисликка мослаш**

Ишчилар етишмаганида ишга ёллаш баъзан энг яхши ечим бўла олмайди. Инсон ресурсларини танқисликка мослашнинг учта альтернатив усули мавжуд.

- Иш вақтидан ташқари ишни ошириш.

Иш вақтидан ташқари иш бу ходимнинг одатдаги иш соатлари учун келишилган вақтдан ортиқ ишлаган иш вақтини билдиради.

Соат 17.00 дан кейинги, байрам ёки дам олиш кунларидаги иш, иш вақтидан ташқари иш деб аталади. Оддий потенциал киши-соатнинг сони исталган киши-соатлардан кам бўлганида корхона биринчи навбатда иш вақтидан ташқари ишни киши-соат орасидаги узилишни енгиш учун оширади.

Жуда катта иш вақтидан ташқари иш самарасиз, сабаби бундай ишга одатдаги иш вақтидан кўпроқ хақ тўланиши керак.

- қисман бандликни ошириш.

Юқорида баён этилганидек, япон корхоналари умрбод бандлик ёки доимий бандлик тизимини қўллайдилар. Битта корхонада ходимларни доимий равишда иш билан таъминлашга мойиллик бор. Улар асосан штатдаги ходимлардир, аммо уларнинг баъзилари тўлиқсиз иш кунида хам ишлайдилар. Тўлиқсиз иш кунида ишлайдиган ходимлар тўлиқ иш вақтлик ташкилий мажбуриятларга эга бўлмаган ходимлардир. Улар, одатда, штатдаги ходимлар оладигандек тиббий сугурта, пенсия ва бошқа нафақаларга эга бўлолмайдилар.

Корхонада киши-соат етишмаган холда уни етишмаслигини енгиб ўтиш учун тўлиқсиз иш куни бандлиги оширилади. Баъзан у ишга ёллашдан афзалроқдир, сабаби баъзи холларда тўлиқсиз иш куни бандлиги тўлиқ иш куни банлигидан арzonроққа тушади.

Корхонада қатъий мажбурият йўқлиги сабабли ярим кунлик иш истиқболда яхши эмас.

### Ёллаш (тўлиқ бандлик)

Ишга ёллаш – қўшимча иш вақтининг оширилиши ва тўлиқсиз иш кунида банд бўлган ходимлар сонининг оширилиши хисобига киши-соатларни етишмаслигини енгиб бўлмаган ҳолда амалга оширилиши керак бўлган охирги муқобил усул.

Ишга ёллаш натижаси шундаки, корхона пенсия ёшига етгунига қадар корхона аъзолари сифатида ёлланган ходимларни ушлаб туриши керак.

Ходимларни ёллаш жараёнида иккита омилни ҳисобга олиш зарур: сифат ва миқдорий.

Ходимларни япон бошқарув услубига асосланган ҳолда ушлаб туриш учун, амалда, Япония корхоналари одатда янги ходимларни керагидан ошмаган миқдорда ёллашади, бу талаб қилинадиганларнинг 50-75% ни ташкил қиласди. Сифат омилини ўлчаш учун кўплаб таомиллар мавжуд. Ходимларни танлаш учун психологик тест, ёзма тест, уларнинг маълумот даражаси, оилавий келиб чиқиши ва ҳоказолар хақида маълумот олиш учун батафсил сухбатдан фойдаланиш мумкин.

Миқдорий коэффициент, яъни ишга олиниши керак бўлган ходимлар сони киши-соатининг йўқлигига қараб ҳисоблаб чиқиласди, бу эса исталган киши-соат, оддий потенциал киши-соат ва иш вақтидан ташқари ишланган соатларни таққослаш йўли билан аниқланади.

### 4.2. Инсон ресурсларини ортиқликка мослаш

Потенциал киши-соатлар сони исталган киши-соатлар сонидан ошса ишчи кучи ортиқча бўлиши кузатилади.

Уларни тўғридан тўғри сафдан чиқариш яхши ечим эмас, сабаби улар яхшигина малакага эгадирлар. Ортиқча ходимлар мавжудлик холатида корхона ходимларини барчасини сақлаб қолиши керак.

Ходимлар эса ўз навбатида корхона томонидан таклиф қилинган нарсани бажаришлари кераклигини англашлари керак, масалан ўқув дастурига қўшилишлари керак, шундан сўнг улар корхона гурухлари ичидаги бошқа бўлимга тақсимланадилар ва ҳоказо.

Сўнгги вақтда бандликни тартиблашнинг кенг тарқалган усулларидан иш вақтидан ташқари ишланган соатларни қирқиш ва бошқа жойга ўтказиш қўлланилмоқда. (Koike, 1988). Ортиқлик самарадорликни пасайтиради. Корхона уларга корхона учун потенциал сайи-харакатларига қадар сармоя киритишимаса

ҳам пул тўлаши керак. Бу муаммони ечими осон эмас. Бу муаммони хал қилиш учун япон корхоналари қўйида кўрсатилган баъзи муқобилликни қўллайдилар:

Вақтинча ёлланган ходимларни бўшатиш

Ортиқчаликниенгиш у чун биринчи муқобиллик – вақтинча ёлланган ходимларни бўшатиш. Корхона аҳволи яхшилангандан сўнг уларни қайта ёллаши мумкин.

Иш вақтидан ташқари ишни қирқиши.

Ишчи кучи ортиқчалиги келиб чиққанда корхона иш вақтидан ташқари ишни қирқади. Иш вақтидан ташқари ишни қирқиши хеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди, шунинг учун иш вақтидан ташқари ишни қирқиши ишчи кучини тартиблишнинг энг яхши йўлидир.

Корхоналар гурухи ичидаги бошқа корхонага ўтказиш. Компания ходимлар даражасини камайтириш учун ходимларнинг бир қисмини корхоналар гурухи ичидаги бошқа корхонага ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Япон корхоналарида ўтказиш тартиби назоратчилар орқали амалга оширилади. Улар қайси ходимни ўтказишни хал қилиш учун муҳокамалар ўтказадилар.

Ишдан четлаш. Ишдан четлаш деганда доимий ходимларни вақтинча ишдан четлаш тушунилади. Бунинг сабаби ходимларнинг емон ишлаши еки қоидаларни бузиши эмас. Ишдан четлаш ортиқчалик муаммосининг ечимларидан биридир.

Ихтиёрий пенсия. Корхона аҳволи ёмонлашганда у ходимларидан ихтиерий пенсионер бўлишини сўрайди. Улар пенсияга пенсия ёшига етгунларига қадар чиқадилар.

Мажбурий пенсия. Корхонанинг ҳолати ёмон бўлганида барча ходимларни сақлаб қолишининг имкони бўлмайди. Корхоналар баъзи бир ходимларни пенсияга чиқишга мажбур қилишга қарор қабул қиласидилар. Ёллашнинг минимал даражаси узоқ муддатли режалаштиришда юқори сифатли ишчи кучини сақлаб қолиш учун муҳим ахамиятга эга.

Ишчи кучи машинадан фарқли ўлароқ тўсатдан ривожлана олмайди. Яхши ходимларга эга бўлиш учун вақт керак, чунки яхши ходимлар одатда етук тажрибага муҳтож. Шу сабабли ҳар йили корхоналар учун хеч бўлмагандан энг кам ёллаш стандарти миқдорида янги ходимларни жалб қилиш яхшироқдир.

Яна бир сабаб корхона ва университетлар ўртасидаги яхши муносабатлар. Корхона университет олдида янги ходимлар учун қарздордир. Корхона янги ходимларни ишга олишда янги университет битирувчиларини ёллаш дастури бўйича ишга олиши керак.

#### 4.3. Малака оширишни ривожлантириш

Баъзан корхона ортиқча ишчиларни қайта тақсимлаш бўйича тренинглар ўтказади. Ушбу тренингларнинг иккита асосий мақсади мавжуд: биринчидан, у ходимларни компания ичидаги бошқа иш жойларга ўтишга таерлайди, иккинчидан, у ходимларга корхона жорий этаетган янги технологияларни ўргатади.

Ўқитиш мақсадлари технологик янгиликлар, саноат тузилмасининг ўзгариши, ишчи кучларнинг кексайиши ва ҳоказолар билан юзлашганда яхшиланиш учун билим, кўникма ва муносабатларни яратиш еки такомиллаштиришни ўз ичига олиши керак.

Самарали ходим – малакали ва билимдон шахсdir. Бундай ходимлар корхона уларга таклиф қилган ҳолда бошқа жойга ўтишга таййердирлар. Малака ошириш ишчи кучини ривожлантириш учун жуда муҳим. Корхоналар учун яхши бошқариладиган ўқитиш стратегияси зарур. Бу корхонанинг ихтиёрий вазифаси эмас. Ўқитиш услуби ва унинг ходимлар иши билан боғлиқлигидан келиб чиқсан ҳолда ўқитишни икки тоифага бўлиш мумкин, булар иш вақтидаги ва ишдан ташқари.

Иш вақтидаги тренинг. Иш вақтидаги тренинг бу ўз ишини бажараётган пайтда ўтказиладиган машғулотнинг бир туридир.

Бошқача қилиб айтганда, бу ишни бажаришдан билим олиш. Иш вақтидаги тренингнинг мақсади реал ҳаётда кенг доирада иш тажрибасига эга бўлишдан иборат.

Иш вақтидан ташқаридаги тренинг. Иш вақтидан ташқаридан ўтказиладиган тренинг бошлангич ва даврий ўқитиш билан чегараланади, улар интеллектуал билимларни эгаллаш жадвали бўйича олиб борилади.

Иш вақтидан ташқаридан ўтказиладиган тренинг катта иш тажрибасига эга бўлган ходимларга назарий асос яратиши мумкин.

#### 4.4. Ишдан кўтариш тизимини ривожлантириш

Ишдан кўтариш деганда унвонлар ва ходимларни лавозимлар орасида жойи ўзгаришини ўз ичига олган иш хаққи юқори бўлган бошқа ишга ўтказиш тушунилади. Баъзан ишдан кўтариш ва ишга ўтказишни чуқурроқ кўриб чиқиш керак бўлади. Уларнинг иккиси хам корхона ичидаги ишчилар ҳаракати билан боғлиқ. Бошқа жойга ўтказиш бошқа мансабга ўтишни назарда тутади. Ишдан кўтарилиш ходим мансабидаги тараққиётни ифодалайди.

Ходим ишдан кўтарилиганида, у ишдаги юқори лавозимга кўтарилади (мансаб). Агар ходим бошқа жойга ўтказилса у бошқа ишга ўтган бўлади. Япон корхонасида ишдан кўтарилиш фақат раҳбар лавозимига ўтиш билан чекланади. Иш ва иш хақи ставкалари бевосита боғлиқ эмас. Узоқ муддатли истиқболда иш ва иш хаққи ставкаси ўртасида боғлиқлик мавжуд, сабаби бажарилган хизматлар рейтинги хар йили ёки ярим йилда ўтказилади.

Ишда кўтаришнинг икки тоифаси мавжуд:

Ички лавозимга кўтариш

Ички лавозимга кўтариш дегани шундай лавозимга кўтариш жараенини, унда юқорироқ лавозимга ўтган ходим корхона ходимлари қаторидан келиб чиқади. Шунинг учун бу ходим иш жойининг ички муҳити хақида маълумотга эга. Ички лавозимга кўтариш ходимларни корхонада узоқ муддатга қолишига ундайди. Ички лавозимга кўтаришнинг бошқа афзаллиги шундаки ходимлар иштиёқини ошириши мумкин, сабаби улар юқорироқ лавозимга кўтарилиш имкониятига эгадирлар. Ўртacha хизмат муддати ва иш тажрибасига сарфланадиган муддат давомийлиги нисбатан кўп вақт талаб этадиган жараен бўлиб ва улар сарфланган вақт бўйича тенгликка мойил.

Ташқаридан лавозимга кўтариш

Иш жойини тўлдириш мақсадида корхона ташқаридан янги ходимларни жалб қиласида. Ташқаридан лавозимга кўтариш ташқаридан янги ғояларни қабул қилиш учун яхши имконият бериши мумкин. Аммо янги ходимлар хам корхонанинг ҳозирги ҳолатига мос келиши учун таерланган бўлиши керак. Ушбу усул Японияда кам учрайди.

#### **4.5. ПЕНСИЯ ТИЗИМИ**

Пенсияга чиқиш дастури ходимларни жалб қилиш ва рағбатлантириш тарзида ишлаб чиқилиши керак. Пенсияга чиқиш дастурлари ходимларни муносиб пенсия даромадлари билан таъминлаш каби масалаларни бажаришга қаратилган: Пенсия ёши Япония ва АҚШ да фарқ қиласида. Японияда пенсия еши 55 ешни ташкил этса, АҚШ да 65 ешдан иборат. Япония корхоналари муайян давр ишлаганлик учун меҳнат хақини тўлаш тизимидан фойдаланадилар, шунинг учун у ерда купроқ хақ тўланиши керак бўлган эски ҳодимларни сақлаб қолиш оғир.

#### **Хулоса**

Шундай қилиб, ушбу мақолада ўрганилган тажриба мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилотларда инсон ресурсларини режалаштириш стратегиясини ишлаб чиқишида самарали ҳисобланади. Инсон ресурслари тизимига таъсир кўрсатувчи кўплаб ташқи омилларни ҳисобга олган

ҳолда яқин келажакда инсон ресурсларини режалаштириш янада муҳим ахамиятга эга бўлади. Инсон ресурсларини режалаштириш доираси кенгаяди. Бу инсон ресурсларини режалаштириш ҳажми нафақат турғун балки динамик равишда ўсиб бораётганини англатади.

Ўзбекистонда яқин вақт ичида инсон ресурсларининг хаддан ташқари ошиб кетиши ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўйиши мумкин. Япония корхоналари каби тажрибали, малака, қўниммага эга бўлган мутахассисларга ёш, тажрибаси кам бўлган номзодлар, янги ходимларни бириктириб қўйиш муҳим.

Келажакда ишга жойлашиш муаммоси ортиб боради, шу сабабдан мамлакатда банк, молия, солик, сугурта, бизнес соҳасида ва энг муҳими кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринлари яратишни муҳим вазифа қилиб қўяди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

Geelhaar, C. Rauch., K. Jenke., and C.M. Thurnes. 2003. Gaming in Industrial Management Quality and Competence in Advanced Training. Production Planning & Control, Vol.14., No.2., pp.155-165. Taylor & Francis

Hwang, Nen-Chen Richard and Konstantin Kogan. 2003. Dynamic Approach to Human Resource Planning for Major Professional Companies with a Peak-wise Demand. International Journal of Production Research, Vol.41., No.6, pp. 1255-1271. ISSN : 0020-7543. Taylor & Francis

Didik Purwadi / Procedia - Social and Behavioral Sciences 65 ( 2012 ) 253 – 259

Nagaraj JR and T.J. Kamalanabhan. 2005. A Study on the Impact of Strategic Human Resource Practicies on Organizational Performance. Journal of Transactional Management., Vol,10(4), pp. 73163

Peng, Mike W., Rabi S Baghat, and Sea-Jin Chang. 2010. Asia and Global Business. Journal of International Business Studies, Vol.41, pp.373-376, Academic of International Business.

Purwadi, Didik., Kazuo Tanaka, and Masaharu Ota. 1999. Reengineering for Human Resource Management in Japanese Companies: Is it Important to be Introduced? International Journal of Production Economics, No. 60-61., pp. 103-107, Elsevier